



МАДАНИЯТ

№21 (103) 2.07.2020 йил

Нуктаи назар



Яна бир эзгу ташаббус

Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг шу йил 26-27 июнь кунлари Наманган вилоятига ташрифи давомида ушбу ҳудудда амалга оширилаётган бунёдкорлик ишлари, халқ фаровонлигини таъминлашга қаратилган қатор лойиҳалар билан танишди. Мамлакатимизни янада ривожлантиришга қаратилган қатор истиқболли чора-тадбирларни белгилаб берди.

Давлатимиз раҳбари фаоллар йиғилишида миллий маданиятни ривожлантириш ва шу аснода иқтисодий-ижтимоий тараққиётни таъминлаш бўйича ниҳоятда ҳаётий ва долзарб ташаббусни илгари сурди. Унга кўра, эндиликда ҳар бир умумтаълим мактаби ўқувчисининг

шаҳодатномасига адабиёт, она тили, физика, математика ва бошқа кўплаб фанлар қаторида бирор мусиқий чолғуни чалишни ўрганганлиги тўғрисидаги баҳо ҳам кўйилади.

Ушбу, ушбу таклиф қайси жиҳатлари билан қалбимизни нурафшон этди? Унинг замирида қандай эзгу мақсад-муддолар мужассам?

Бу ҳақда гап кетганда, аввало, ушбу ташаббус юртимизда миллий маданият ва санъатни янада ривожлантиришга қаратилган ҳаётбахш ислохотларнинг узвий давоми эканини таъкидлаш жоиз.

Дарҳақиқат, кейинги уч-тўрт йил давомида Президентимизнинг соҳа тараққиётига

қаратилган қатор фармон ва қарорлари қабул қилинди. Шаҳрисабз шаҳрида Халқаро мақом санъати анжумани, Термиз шаҳрида Халқаро бахшичилик санъати фестивали анъанавий тарзда ўтказиладиган бўлди. Беш муҳим ташаббус асосида болалар мусиқа ва санъат мактаблари замон андозалари асосида таъмирланмоқда, мусиқа чолғулари билан таъминланяпти. Уларда турли тўғарақлар очилаяпти. Буларнинг барчаси асрлар оша аждоқлардан-авлодларга ўтиб келаяётган ноёб санъат намуналарини янада чуқурроқ ўрганиш, кенг тарғиб этиш, айниқса, ёшлар қалбида уларга нисбатан ҳурмат ва садоқатни шакллантиришда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Давоми 2-саҳифада >>

Ушбу сонда

Интернет устун бўлолмайди

3-саҳифада >>

Ҳаёт саҳнасида ҳар ким ўзини кўради



4-саҳифада >>

Чолғу кўтарган болакай



5-саҳифада >>

30 июнь – Ёшлар кuni



Сиз Ватаннинг ишончи ва суюнчиғисиз!

Ёшлари кўп юртнинг порлоқ келажаги бор. Соғлом, куч-гайратга тўла, билим ва илм олишга, изланишга чанқоқ ёшларимиз эса чин маънода бахтимиздир.

Бутун келажагимиз эгаларига давлат раҳбари, халқимиз билдираётган ишонч – энг катта рағбат бўлиши баробарида уларнинг муаммолари билан қизиқиш, ўрганиш, ечимига кўмаклашиш ҳар бир тизимда яққол кўзга ташланыпти. Зеро, ёшлар эртанги истиқболли кунларимиз, янада фаровон ҳаётимиз бунёдкорларидир.

Қаранг, қайси соҳада, қандай масала кўтарилмасин – у ҳоҳ иқтисодий, ҳоҳ ахборот технология

лари, маданият ва санъат, қишлоқ хўжалиги, хуллас, ҳар бир жаҳза ислохотида ёшлар сиёсати долзарб ўринда турибди.

Ҳозирда Ўзбекистон ёшларининг дунёга донги кетган нуфузли компанияларда дастурчи, иқтисодчи, архитектор, дизайнер каби фаолиятлар билан шуғулланаётгани, номдор таълим даргоҳларида ўқиб, илмий ишлар қилаётгани, яна уларни етакчи давлатларнинг ҳал қилувчи бўғинларида ҳам учраётганимиз юксак фахрга арзийди.

Булар нимадан далолат беради? Аввало, ёшларимизнинг потенциали юқори эканлигидан. Яъни уларга озгина эътибор кўрсатиш, кўмаклашиш ва

туртки бериш орқали иқтидорини, салоҳиятини юзага чиқариб, жуда катта марраларни кўлга киритишимиз мумкинлигидан дарак.

Бу бизнинг қонимизда мавжуд, ўз даврида дунё тараққиётига улкан ҳисса қўшган аждоқлар авлоди ҳали нималарга қодирлигини реал ҳаётда яна бир бор кўрсатиш имконини беради.

Демак, ухлаб ётган иқтидорларимизни илму зий ёрқали уйғотиш, уларни яна бир қарра инсоният ва дунё тараққиёти йўлида сарфлаш фурсати аллақачон етди. Бунга ёшларимиз арзийди ва биз бундан фахрланамиз.

Азиз ёшлар, сиз она-ватанимизнинг – бутуни

ва эртаси, истиқболли келажақ сари интиляётган давлатимизнинг – ишончи ҳамда суюнчиғисиз. Ҳар қандай муаммолар қаршида – энгилмас, тенгсиз, оташин кучсиз.

Тилагимиз, ҳар бир ёш қалб ўзини кучли, жасур, соғлом, ақли ва энг муҳими, керакли деб ҳис қилсин. Олдингизга қўйган улкан мақсад, кўзланган марраларни забт этишингизда ҳамиша омад ёр бўлсин!

Барчангизга 30 июнь – Ёшлар кuni муборак бўлсин!

Ўзбекистон Республикаси Маданият вазири Озодбек НАЗАРБЕКОВ

<p>Донорлар сўзлайди... >></p>	<p>Барча фан ва санъатларнинг энг қадимгиси мусиқадир. (Квинтилиан)</p>	<p>Санъатнинг буюклиги, айниқса, мусиқада намоиш бўлади. (Гете)</p>	<p>Мусиқа – халқ эҳтиёжи. (Л.Бетховен)</p>	<p>Тарбия – бахтда безак, бахтсизликда – ҳимоя. (Аристотель)</p>
--------------------------------------	--	---	--	--

Кувончли хабар

Қайқи қишлоғида маданият маркази қурилади

Бугунги кунда Наманган вилоятида 80 та маданият маркази мавжуд бўлиб, шундан 38 таси қайта таъмирланиб, замонавий маданият марказларига айлантирилган. Аҳоли ва ёшларнинг бўш вақтларини мазмунли ўтказиш, уларни маданият ва санъатга бўлган қизиқишларини уйғотиш мақсадида ижодий тўғрақлар ташкил этилган. Учқўрғон тумани Қайқи қишлоғида маданият маркази биноси йўқлиги боис дастурга киритиш имкони бўлмаган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Маданият ва санъат соҳасининг жамият ҳаётидаги ўрни ва таъсирини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги 2020 йил 26 майдаги Фармони билан тасдиқланган "2020-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасида маданият ва санъатни янада ривожлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар дастури"нинг 25-бандига асосан 2021-2024 йилларда янги қуриладиган, реконструкция қилинадиган, капитал таъмирландиган маданият марказларининг манзили рўйхати таъмир-реставрация қилинадиган, капитал таъмир-

ланадиган ва жиҳозланадиган маданият марказларининг манзили рўйхати қайта ишлаб чиқилмоқда. Қайқи қишлоғида 30 минг нафардан зиёд фуқаро истиқомат қилишини инобатга олиб, аҳоли ва ёшлар учун 2021 - 2024 йилларда янги қуриладиган, реконструкция қилинадиган, капитал таъмирландиган ва жиҳозланадиган маданият марказларининг манзили рўйхатига киритилишини маълум қиламиз.



Қабул - 2020



Ўқишга марҳамат!

Бугун таълим даргоҳларига қабул жараёнлари кун мавзусидаги масалалар. Жумладан, Тошкент шаҳридаги Р.ГЛИЭР номидаги республика ихтисослаштирилган musiqa мактаби ҳам 2020-2021 янги ўқув йили учун қабул бошланганини эълон қилади.

Барчага жорий йилнинг 29 июнидан 11 июлига қадар 1-синф (6,5-7 ёш) ва 5-синф (10-11 ёш)ларга онлайн тартибда фақат @glieer_qabul2020_bot орқали қабул жараёнлари амалга оширилишини маълум қиламиз.

Саҳоват



Уйлар эгаларига топширилди

Ўзбек халқи бошидан не-не синовли кунлар, мусибатлар ўтмаган дейсиз?! Бу эл қанчадан-қанча яхши-ёмон кунларни кўрди. Очарчилик замонларида сабр қилди. Қиронли кунларда бир-бирга елкадош бўлди. Ота-боболаримиз бундай синовларни аҳиллик, меҳр-оқибат, ишонч туйғулари билан енгиб ўттишди.

2020 йил 1 май кунини оғир пандемия шароитида яна бир мусибат қириб келди. Сирдарё вилояти Сардоба туманидаги Сардоба сув омборининг ўпирилиши натижасида кўпгина ҳамюртларимиз катта талафотлар кўришди. Уша онларда ҳам оқибатли халқимиз тезда бирлашиб, ҳамма имкони борича ёрдам қўлини чўзди. Кимдир моддий кўмак берган бўлса, яна бири маънан ёрдамлашди. Ватан ичидидаги ватанидан айрилган фуқароларга уй-жой куриб бериш ишлари бошлаб юборилди.



Хабарингиз бор, ўзбек эстрадасининг ёрқин вакили, истеъдодли хонанда Озода Нурсаидова ўз ташаббуси билан жабр кўрган беш оилга уй беришини маълум қилганди. Қуни кеча Тошкент вилояти Оҳангарон шаҳрида Шахло Наримонова, Зафарбек Қурбонов, Бахтиёр Холқўзиев, Озода Мамаева, Алишер Тангировлар Озода Нурсаидова томонидан берилган уйлارни қабул қилиб оlishди.

—Бу сизларнинг иккинчи уйингиз. Шу ерда тўйлар қилинг, фарзандлар камолини кўринг, — дейди хонанда самимият билан.

Янги уй эгаларининг кувончи чексиз. Сабаби хонадонларда яшаш учун барча шароитлар етарли. Телевизор дейсизми, музлаткич, газ плитаси, хулла, ҳаммаси энг сўнги русумдаги жиҳозлар. "Бивалеқ" МФЙ раисининг таъкидлашича, маҳалланинг янги аъзолари иш билан таъминланади.

Карим ЗАРИПОВ

Музей шаҳар янгиликлари

“Хива – узоқ ва яқин ўтмишда”



Маданият соҳасида қабул қилинаётган қарорлар ижросини таъминлаш, фаолиятни янада яхшилаш мақсадида "Ичан-қалъа" давлат музей-қўриқхонаси илмий ходимлари, барча мутахассислари доимий изланишда.

Қуни кеча Тошхўвли саройи меъморий ёдгорлиги ҳудудида фаолиятини бошлаган "Хива – узоқ ва яқин ўтмишда" деб номланган фотокўргазма ана шу ҳаракатлар самараси бўлди.

Маълумки, XIX аср охири XX аср бошларида Хоразмда яшаган немис меннонитлари вакиллари, улардан касб сирларини ўрганган Урта Осиёнинг биринчи фотографи ва кинооператори Худойберган Девоннов, шунингдек, рус элчилири ва чет эллик сайёҳлар томонидан Хоразм хонлиги ҳаёти, тарихий шахслар, маҳаллий аҳоли турмуш тарзи акс этган нодир фотосуратлар музей фонди ҳамда архивларида сақланмоқда.

Янги ташкил этилган кўргазмадан ана шундай тарихий фотосуратлар ўрин ол-

ган бўлиб, улар томошабинда узоқ ва яқин ўтмиш ҳақида аниқ тасаввурлар уйғотади.

Хива хонлари Муҳаммад Раҳимхон соний – Феруз, Асфандиёрхон, Саид Абдуллахон, бош ва зир Исломхўжа фотопортретлари, хон саройи миришаблари, ўтган аср бошларидаги Ичан-қалъа манзаралари, 1913 йил Хивада илк касалхона биносининг ишга тушиши, халқ сайиллари ва бошқа тарихий воқеалар акс этган фотосуратларни кўздан кечирган ҳар бир киши хаёлан ўтмишга саёҳат қилгандай бўлади.

Кўргазманинг тантанали очилишида



музей ходимлари, меҳнат фахрийлари, жамоат ташкилотлари вакиллари ва сайёҳлар иштирок этишди.

Музей-қўриқхона директори Ш.Матякубов ва бошқалар сўзга чиқиб, бундай хайрли мақсадлар йўлидаги илмий-ижодий ишларни давом эттириш юзасидан фикр-мулоҳазаларини билдиришди.

О.ИСМОИЛОВ,
"Ичан-қалъа" давлат музей-қўриқхонаси матбуот хизмати

Абитуриент – 2020

Қабул жараёнлари диққат марказда

Шу кунларда Маданият вазири Озодбек Назарбеков Юнус Ражабий номидаги Ўзбек миллий musiqa маркази институтида бўлиб, унинг фаолияти билан ақиндан танишди. Мавжуд камчиликларни ўрганиб, уларга ечим топиш йўллари таҳлил қилди.

Ҳозирда Ўзбекистон давлат консерваториясидан малакали мутахассислар жалб этилган ҳолда миллий musiqa санъати даргоҳига янги тартибдаги, ўзига хос таълим йўналишининг ўқув режалари ва дастурлари, шунингдек, фаолиятига доир меъёрий ҳужжатлар ишлаб чиқилмоқда.

Келаётган ўқув йилидан бошлаб Ўзбекистон давлат консерваториясининг "Ўзбек мақом санъати факультети" ҳамда Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институтининг

тегишли таълим йўналишлари ва мутахассисликлари бўйича қабул қилинган, шунингдек, таҳсил олаётган талабалар ўқишларини ўзлари танлаган йўналишлари бўйича Юнус Ражабий номидаги Ўзбек миллий musiqa санъати институтида давом эттиришади.

Бундан ташқари, институтга талабаларни қабул қилиш сони белгиланган тартибда ҳар йили тасдиқланадиган республика олий таълим муассасаларига ўқишга қабул қилишнинг давлат буюртмаси ва қўшимча қабул параметрларидан келиб чиққан ҳолда белгиланади.

Янги ўқув йилидан (2021/2022) Ўзбекистон давлат консерваториясининг "Ўзбек мақом санъати факульте-



ти" ҳамда Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институтининг тегишли таълим йўналишлари ва мутахассисликлари бўйича қабул тўхтатилади.

Айни кунларда қабул жараёнлари ҳаммаининг диққат марказида турганини инобатга олиб, олийгоҳнинг янги ўқув йилига тайёргарлиги ҳам ўрганилди. Дарсхоналар, миллий musiqa чоғуларни, дарсликлар етарли бўлишига ҳам эътибор берилди.

Шу кунларда Ўзбекистон давлат консерваторияси ҳамда Юнус Ражабий номидаги Ўзбек миллий musiqa санъати институтига ҳужжатларни онлайн қабул қилиш давом этмоқда.

Имтиёз

Туризмга доир яна бир қарор қабул қилинди

Эндиликда хусусий музейлар, бадий галерейлар ва ҳунармандчилик марказларига солиқ имтиёзлари берилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Туризм соҳасини санитария-эпидемиологик хавфсизликнинг кучайтирилган режими талабларига қатъий риоя қилган ҳолда ривожлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар

тўғрисида»ги қарори қабул қилинди.

Унга кўра, 2020 йил 1 июлдан 2023 йил 1 июлга қадар нодавлат (хусусий) музейлар, бадий галерейлар ва ҳунармандчилик марказларининг асосий фаолият тури бўйича фойда солиғи, мол-мулк ва ер солиқлари ҳамда айланмадан олиннадиган солиқ ставкалари белгиланган миқдорга нисбатан 50 фоизга камайтирилади.



Буюк ўзбек аёли



Гулбаданбегим ибрати

Мозий зарварақларида ўзининг ақлу заковати, фаросати билан қийин вазиятлардан чиқа олган, жасорати орқали душмани маъв этган, мардлиги эркаклардан қолишмаган, илму маърифати, истеъдоди билан адабиёт ва санъат ривожига улкан ҳисса қўшиб, тарихда ўчмас из қолдирган хотин-қизлар оз эмас.

Улардан бир Захриддин Муҳаммад Бобурнинг Дилдорбегим исмли аёлдан туғилган учинчи қизи Гулбаданбегимдир.

Манбаларда бу қиз таваллудига борасида икки хил сана келтирилади. Инглиз ёзувчиси Маргарет Румер Годеннинг қайд этишича, у 1522 ёки 1523 йилда Кобулдан дунёга келган. Ўша даврларда Шарҳда қизларнинг (ҳатто, у аслзодалардан бўлса ҳам) туғилган санасини қайд этиш аҳамиятсиз саналган. Ўзвучининг баён қилишича, Гулбадан имони бутун, тақводор, муслима аёл бўлган.

Тарихчи Турғун Файзиевнинг «Темурий маликалар» китобида келтирилган маълумотларга кўра, у отаси шоҳ Бобур истагига кўра, Ҳумоюн Мирзонинг онаси – Мохим бегим қўлида тарбияланади. Бобурнинг аёллари орасида Мохимбегим энг оқиласи ва фозиласи бўлган. Гулбаданбегим ҳар иккала онасини ҳам эъзозлаган. У ўз асарларида онасини «Дилдорбегим», Мохимбегимни эса «онам хазратлари» деб тилга олган.

Ҳумоюн подшоҳ вафотидан сўнг (1556 йил) салтанат тахтига унинг ўғли Жалолиддин Муҳаммад Акбаршоҳ ўтиргач, шоҳнинг онаси Ҳамидабону билан Гулбаданбегим саройга – Деҳлига қайтиб келишди. Кейин то умрининг охиригача жияни Акбаршоҳ саройида яшайди.

У ёшлигидан адабиёт ва тарихга жуда қизиқади. Қўплаб соҳалардан бохабар бўлиб, форс тилини мукаммал ўзлаштиради.

Гулбаданбегим зехни ўткир ёзувчи ва шоира, меҳрибон қиз, эъзозли сингли ва жиянларининг кадрли тарбиячиси, фарзандлари учун меҳрибон она ҳамда турмуш ўртоғининг сукули рафиқаси бўлган ўзбек аёлидир.

Унинг сиймосини янада ёрқинроқ гавдалантиришда бизга инглиз адабиси Маргарет Румер Годен томонидан 1980 йили ёзилган «Гулбадан» номли китоб ёрдам беради. Асарни ўқиб, машхур инглиз адабиси ўзбек аёли тўғрисида алоҳида меҳр-муҳаббат билан қалам юритганидан ўзгача ифтихор ҳисларини туйамиз. Асар тўрт қисмдан иборат. Унда қайси подшоҳ даври ҳақида сўз юритилмасин, асосий титмол Гулбаданбегим, унинг ҳаётига оид тафсилотлар муаллифининг диққат марказида туради.

Муаллиф муслима аёллар таомилларга ёшлиқдан риоя этишини таъкидлайди. Шу маънода у ўз қаҳрамонининг отаси Бобурга ўхшаш табиатини доим назарда тутди. Китоб мутолаасига одаланганини, Курьони Каримдан хабардорлигини, беш вақт намозни адо этиб, эътиқоднинг мустаҳкамлигига нечоғли интилангани ўрни-ўрнида баён этади.

Гарвард, Бонн, Марбург университетлари профессори, таниқли олмон исломшуноси Аннемария Шиммельхоним (1922 – 2003) «Жон менинг жонимда» китобида ҳукмдорлар саройларидаги юксак мартабали аёлларга муносабат хусусида тўхталар экан, шундай таъкидлайди: «Хиндистондаги Буюк Бобурийлар оилаларига назар ташласангиз, шоҳнинг ёки валиаҳд шахзодаларнинг оналари билан амалга оширилган. Бироқ оналар ўзларининг шу юксак мавқеларини билганлари ҳолда, кўпгина сиёсий ишларга аралашшдан андиша қилишган. Гулбаданбегим ҳам Бобурийлар сулоласининг айнан мана шундай қудратга эга, эъзозли ва эҳтиромли кайвони маликаларидан бўлгани аниқ. Шундай олий мавқеи – юксак мартабасига қарамай, ўзини ниҳоятда камтар ҳамда хокисор тутганлигига эътибор қаратган Маргарет Румер Годен бундай ёзади: «Гулбаданбегим ўз шахсияти ҳақида сўз юритганда оқилолик билан ўзини «бу ҳақир», яъни «бу ожиза банда» деб атади. Аслида у нафақат оддий банда, балки ҳукмдор кизи эди. У эртакларда учрайдиган афсонавий қаҳрамонларга хос нафис исм – Гулбадан деган гузал ном билан аталарди. Умрининг тўфонли ва шиддатли давларида ҳам у ўзининг «Гулбадан»лигини сақлаб қола олган мўътабар бир инсон эди». Адибанинг тавсифлашича ва аслида, Гулбадан уч буюк ҳукмдор – отаси Бобуршоҳ, акаси Ҳумоюншоҳ ҳамда жияни Акбаршоҳ даврларини қамраб олган ўта мураккаб замонада яшган ва Акбаршоҳ вафотидан икки йил аввал фо-

ний дунёни тарк этган. Бу ҳукмдорлар орасида энг машхур Акбаршоҳ бўлсада, Гулбадан отаси ва акасини ниҳоятда улуғлар эди, дейди Маргарет хоним. Бироқ шуни ҳам унутмаслик керакки, агар Акбаршоҳ бўлмаганида, Гулбаданнинг мавқе-мартабаси бунчалар юқори улуғланмасди, унинг номи ўша даврда яшаган юзлаб маликалар сингари парда ортида, омма назарига тушмасдан қолиб кетган бўларди. Ва табиийки, унинг умр ва ижод йўли ҳақидаги ҳақиқатни очиб бериш ҳам ҳеч кимнинг хаёлига келмасди. Ўша давр муаррихлари томонидан зикр этилган маълумотларда Гулбаданнинг исми бошқа тарихий шахслар номлари соясида қолиб кетмаган бир пайтда (1587 – 1590 йилларда) Акбаршоҳ бобоси Бобуршоҳ ва отаси Ҳумоюншоҳнинг ҳукмдорлик фаолияти ҳақида тарихий бир асар яратиш тўғрисида фармони олий қабул қилади. Натижанда, «Ҳумоюннома»дек ажойиб асар дунёга келади.

«Акбарнома» асари муаллифи Абул Фазл берган маълумотга кўра, Гулбадан 1603 йил 80 ёшида вафот этади. Акбаршоҳ аммасини катта хурмат ва эҳтиром билан дафн эттиради. Акбарнинг ўзи Гулбаданбегим тобутини ўғил сифатида кўтариб, дафн маросимида фарзандлик бурчини адо этади.

Хулоса ўрнида таъкидлаш жоизки, Гулбаданбегим она шайни ва гурурини ҳар доим қадрлаган. Жаҳон тарихидаги энг буюк салтанатлардан бўлмиш бобурийлар сулоласининг зебо ва оқила вакиласи, бемисл ақл-идрок ва ноёб истеъдод эгаси Гулбаданбегимнинг номи исзисз ўчиб кетмади. У ҳаётининг суруни даврларини ҳам мардонавор қарши олган иродали буюк ўзбек аёли сифатида тарихда қолди. Келажакда ёшларимиз орасида ҳам ёрқин ўтмишимиздаги шундай буюк сиймолардан ўрнак олиб, ўз ижоди билан халқимизни бутун дунёга машхур қиладиган Гулбаданбегим, Нодирбегим, Увайсий, Зулфия ва Саида каби буюк адиллар етишиб чиқишига ишонамиз. Зеро, чинорлар индизидан чинорлар униб чиқажақ.

Ҳафиза САЙЛОВА,
Чирчиқ шаҳридаги 11-умумтаълим
мактаби ўқитувчиси

Акс садо

Маданиятимиз – тараққиёт йўлида

Инсон маънавиятини юксалтириш, маданиятни қилиб тарбиялаш, келажак авлоднинг ҳар томонлама етук ҳамда кенг дунёқарашли бўлиб шаклланишида маданият ва санъатнинг ўрни беқиёс.

Бу соҳа вакиллари ўзининг юксак диди, нозик табиати ва серқирра ижодкорлиги билан бошқалардан ажралиб туради, десак муболага бўлмайди. Бироқ мазкур соҳа аҳли кўп йиллар давомида эътиборсизлик ва лоқайдлик қурбонига айланди. Шукурки, бугун узоқ йиллар интизорлик билан кутилган кунлар ниҳоят етиб келди. Муҳтарам Президентимиз томонидан кўрсатилаётган эътибор эса биз соҳа вакиллари учун кутилмаган хушxabар бўлди.

Жорий йилнинг 26 май куни «Маданият ва санъат соҳасининг жамият ҳаётидаги ўрни ва таъсирини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармоннинг қабул қилиниши ҳамда 15 апрелнинг «Маданият ходимлари кунин» дея эълон қилиниши бизни янада руҳлантирди. Мазкур Фармон маданият ходимларига катта эътибор ва рағбат билан бир қаторда улкан масъулият ҳам юклайди.

Чунки ёшларнинг маданият ва санъат соҳасига қизиқишини ошириш, бўш вақтларини мазмунли ташкил этиш, чекка-чекка қишлоқларга маданиятни олиб кириш, ўсиб келаётган авлодлар иқтидорини юзга чиқариш ва қўллаб-қувватлаш, уларни омма олдига олиб чиқиш биз маданият ходимларининг асосий вазифаларимиздан биридир.

Бу борада давлат раҳбарининг 2018 йил 28 ноябрь «Ўзбекистон Республикасида миллий маданиятни янада ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида»ги қарори доирасида вилоятимиз ҳамда туманимизда сезиларли ишлар амалга оширилди. Айниқса, ёшлар маънавиятини юксалтириш ва уларнинг бўш вақтларини мазмунли ташкил этиш юзасидан бешта муҳим ташаббуснинг қабул қилиниши нафақат маданият соҳаси вакиллари, балки бошқаларга ҳам ижобий таъсир кўрсатиб келмоқда. Маданият марказлари ҳамда умумтаълим мактаблари қошида ташкил этилган санъатнинг турли йўналишидаги тўғарақлар, ўтказилаётган маданий тадбирлар ёшларимизнинг маданият ва санъат соҳасига қизиқишларини янада оширишга йўл очиб бермоқда.

Акмажон ЙўлДОШЕВ,
Андижон вилояти Марҳамат тумани
маданият бўлими мудири

Онлайн концерт

«Буюк юртнинг

СОҒЛОМ фарзандлари»



26-июнь куни Навоий шаҳрида Маданият бўлими ва Ёшлар иттифоқи вилоят кенгаши ташаббуси билан «Халқаро гижандликка қарши кураш кунин» ҳамда 30 июнь – «Ёшлар кунин» муносабати билан онлайн концерт дастури бўлиб ўтди.

Унда шаҳарнинг маданият бўлими томонидан «Ижодкор ёшлар», «Буюк юртнинг – соғлом фарзандлари» шиори остидаги «Соғлом ҳаёт сари» ҳамда «Инсон ва табиат» онлайн танловлари ўтказилди. Мазкур танловларда вилоятдаги 7 ёшдан 35 ёшгача бўлган истеъдодли ёшлар ўзларининг расмлари, видеороликлари, сахна кўринишлари ҳамда шеърлари билан иштирок этишди.

